



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

Рефлексия – гуруҳлар иши методи

Мақсад: болаларни ижодкорлигини оширишга ёрдам беради.

Гуруҳдаги болалар сони 5 ёки 6 тадан қилиб бўлиб олинади. Болаларга ўтилган мавзу юзасидан эсда қолган воқеа-ҳодисаларни шеър ёзиб, ашула қилиб айтиш таклиф этилади.

Пантомимо ўйини

Мақсад: имо-ишоралар орқали бола ички дунёсини юзага чиқариш, кайфиятни кўтарувчи ўйин.

Болалар бир-бирига имо-ишора орқали тилак тилайди ва совға беришади, тилак қабул қилган одам унинг ҳаракатларини сўз билан ифодалаб бериши керак бўлади.

Адабиётлар

1. Ишмухаммедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Тошкент, 2014. 18-20-б.
2. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С. Замонавий педагогик технология ларни амалиётга жорий қилиш. – Т.: Фан ва технология, 2004. 82 б.

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ УЛҒАЙТИРИШДА ОИЛА ТАРБИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

- **Х.Н.Музаффарова,**
А.Қодирий номли ЖДПИ ўқитувчиси
- **К.А.Омонбоева,**
Логопедия йўналиши магистранти

«Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру – хотин, ота – оналарнинг ўзаро муносабатидир».

В.А.Сухомлинский

Оила – бу муқаддас даргоҳ. Унинг мустаҳкам ва даҳлдорлиги жамият тараққиётини белгилайди. Оила тарбиясида доимий тарбиявий таъсирчан куч бу – оилада руҳий хотиржамлик, салимий муносабат, ота-она обрўсининг юқори бўлиши, болаларга талаб қўйишда оила катталари ўртасидаги бирликнинг сақланиши, бола шахсини меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, болани севиш ва иззатини жойига қўйиш, оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш, боланинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, боладаги ўзгаришларни кузатиб бориш, ундаги мустақилликка интилиш ва ташаббускорлик сифатларини қўллаб-қувватлашни амалга ошириш механизмларини амалда қўллашдир. Оила қанчалик тартибли, унинг аъзолари ўртасидаги муносабат салимий бўлса, оила тарбияси ҳам шунчалик муваффақиятли бўлади.

Бу борада шарқ педагогикасига мурожаат қиладиган бўлсак, қуйидаги фикрларга эътиборни қаратамиз. Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса кишиларнинг бир-бирларига бўлган руҳий, маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади, деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлигини уқтиради.

Оила тарбиясида ота-она обрўси, уларнинг кузатувчанлиги, сезгирлиги, ҳозиржавоблиги муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. Оила тарбиясида тарбия жараёни зерикарли, қуруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Бола ҳаётининг кўп қисми оилада ўтади. Шу боисдан мавжуд

анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида бола аста-секин камол топиб боради. Анъана ва маросим – оила тарбиясининг кудратли куралидир.

Оила тарбияси ижтимоий тарбия билан узвий алоқада бўлсагина, кутилган натижаларга эришиш мумкин. Оила тарбиясида ютуқларга эришиш ота-оналарнинг педагогик билимларга эгаллиги, оила тарбияси бўйича тажрибалар алмашиши, ота-оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир ота-она оила тарбиясида ўзларининг бурч ва масъулиятларини чуқур англашлари лозим.

Бу борада Жалололидин Давоний фикрича, оила тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуқли ва тенг иштирок этиши боланинг яхши хулқ – одоб қоидаларини муайян бир касбни эгаллашига кўмаклашиши илм – фан ва касб – ҳунар эгаллашининг моддий асоси бўлмиш озик – овқат, кийим – кечак, керакли буюм ва жиҳозларни етказиб бериш учун жозибалик кўрсатиши керак.

Нормал оилавий муҳит, болани китоб ўқишга, меҳнат қилишга ўз вақтида жалб этиш ҳам оила тарбиясининг муваффақиятли гаровидир.

Оилада ота ёки онанинг йўқлиги ёки улардан бирининг кетиб қолиши оила тарбиясига катта зарар етказиши мумкин. Уларнинг болага берадиган тарбиявий таъсир кучи йўқолади, оила тарбиясидаги мувозанат бузилади. Бундай шароитда бола қалби қаттиқ жароҳатланади, у тажани, сержахл, кўпол, дағал бўлиб қолади, катталарга ишонмай қўяди, ўқиши пасайиб кетади. Оила тарбиясида отанинг обрўси катта аҳамиятга эга.

Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила билан боғламасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун оила тарбиясида мактаб ва ота-оналар ўртасидаги таълим-тарбияга оид биргаликдаги ишлари катта аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг ўқитувчилар билан бўлган учрашувларида айрилган фикрлар, айниқса, қимматлидир. Чунки улар ўз фарзандлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Шу ўринда Ибн Сино бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. Болани тарбиялаш оила ота-онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-она тарбиячи бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтишда бўлса, бола тарбиясининг туб моҳиятини тушунган ҳар бир ота-она оила билан мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилади. Бола мактабни тамомлагунига қадар ота-она мактаб билан яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг дарсларини ўзлаштириши, хулқ-атворидан хабардор бўлиб туриши, тарбия масалаларида ўқитувчи, синф раҳбари билан маслаҳатлашиб туриши, боланинг дарсдан сўнг нима билан машғуллиги ҳақида ўқитувчи ва синф раҳбарини хабардор қилиб туриши лозим. Ўз навбатида, ўқитувчи ва синф раҳбари ҳам боланинг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиши, зарурат туғилганида пайдо бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши зарур. Фарзанди мактабга борган ота-она мактаб жамоасининг аъзоси бўлиб қолиши керак. Ўқитувчи ва синф раҳбари ҳам ўз ўқувчисининг оиласи билан мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўймоғи лозим.

Оила тарбиясида ота-оналарнинг маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари билан ҳамкорликлари ҳам муҳим. Оила тарбияси фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина муваффақиятли бўлиши мумкин. Зеро, оила тарбияси ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутди.

Юсуф Хос Хожибнинг уқтиришича, ҳар бир киши жамиятга муносиб бўлиб камол топмоғи керак. Бунинг учун у туғилган кундан бошлаб зарур тарбияни олмоғи лозим. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти-ҳаракатларига берилишининг олди олинади.

Адабиётлар

1. Мўминова Л.Р. Ногирон болаларни оилага тайёрлаш. // Республика оила маркази. – Тошкент, 1996.
2. Жўраев А.Ж. Тарбиявий дарсларни ўтиш. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
3. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1994.